O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 3 апрель №70(3345) Шанба

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТЛАРИ

Шу йил 1 апрелда Президент Ислом Каримов НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

НАТО Бош котиби мазкур халқаро ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари номидан Ўзбекистон билан ҳамжиҳатлигини таъкидлаб, террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлар ва жабр чекканларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Мулоқот чоғида минтақадаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Асосий эътибор Афғонистондаги вазиятга қаратилди. Афғонистонда АЙСЕФ операциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

***

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш билан телефон орқали суҳбати бўлиб ўтди. АҚШ Президенти террорчилик ҳаракатлари қурбонлари оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди ва Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Жорж Буш Ўзбекистондаги террорчилик хуружлари халқаро террорчилик жиноятларининг узвий қисми, яъни бир кўриниши эканлигини қайд этди.

Бегуноҳ қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бу борада барча юридик меъёрларга қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланди.

АҚШ Президенти мазкур жиноятлар фош этилишига ва айбдорлар суд олдида жавоб беришига қатъий ишонч билдирди.

## «ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК УЧУН КУРАШАМИЗ»

***Ўзбекистон Республикаси Президенти номига келаётган мактубларнинг асосий маъно-мазмуни шундай***

Эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги улуғ неъмат. Негаки, ана шу неъмат замирида мамлакатнинг бугунги ва эртанги равнақи, фарзандларимизнинг бахт-иқболи мужассам. Шу боис ҳам, дунёдаги барча тараққийпарвар кучлар инсоният ҳаёти ва тинчлигига раҳна соладиган ҳар қандай уринишларни кескин қоралаб, уларга қарши курашни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келади.

Шу йилнинг 28 — 30 март кунлари Бухоро вилояти ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида содир этилган портлаш ва террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги мудҳиш хабар жаҳон афкор оммасининг қаҳру ғазабини қўзғади. Жаҳондаги қатор етакчи давлатларнинг бошлиқлари, қўшни мамлакатлар раҳбарлари Президент Ислом Каримов билан телефон орқали боғланиб, телеграмма ва мактублар йўллаб, террорчилик ҳаракатларини қораламоқдалар, бегуноҳ қурбон бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, бундай бало-қазога қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, куч ва имкониятларни бирлаштириш зарурлигини яна бир карра эътироф этмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган илк йиллардан бошлаб, терроризмга қарши кураш масаласига жиддий ёндашиб келмоқда. Афғонистонда, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги давлатимиз раҳбарининг таклиф, ташаббус ва даъватлари нечоғли тўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботлади.

Таассуфки, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритаётган ютуқлари, унинг халқаро майдондаги тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, халқимизнинг осойишта ҳаёти айрим қабиҳ ниятли кучларга тинчлик бермаяпти. Улар халқимизни парокандалик ва жаҳолат замонларига қайтариб, тараққиётимизни ўн йиллар орқага суриб ташлашга уринмоқда. Кейинги кунларда рўй берган мудҳиш воқеалар ана шу уринишларнинг яна бир жирканч кўриниши экани шубҳасиз.

Бундай вазият эса ҳар биримиздан ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга сезгир, ҳушёр ва огоҳлик билан муносабатда бўлишни тақазо этмоқда. Чунки барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ўзимизни, ўз уйимизни — ягона Ўзбекистонимизни ўзимиз асрашимиз, бу борадаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришимиз зарур.

Бундай қараш ва ёндашув Юртбошимиз номига дунёнинг турли бурчакларидан, жумладан, мамлакатимиз фуқароларидан келаётган мактубларда ҳам ўз ифодасини топган.

"Ҳурматли Ислом ака, сизнинг мамлакатимиз телевидениеси орқали халқимизга қилган мурожа-

(Давоми 2-бетда).



*«Баҳром» ва «Аҳмадали ота» фермер хўжаликларининг раҳбарлари Олимжон Ҳасанов ва Маҳмуджон Аҳмадалиевлар ёшликдан бирга униб-ўсганликларини, мактабда ва олий ўқув юртида бирга таҳсил олганликларини, хуллас, қадрдон дўст эканликларини баликчиликлар яхши билишади. Иккалалари ҳам фақат ҳалол меҳнатлари билан элга танилди, обрў-эътибор топди. Гарчанд хирмони бошқа-бошқа бўлса-да, уларнинг маслаҳати бир, иш тутуми бир: ўзаро*

## Дўст бўлсанг, ёнимда тур

*тажриба алмашишади, ютуқларини ўртоқлашишади, нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўришади.*

*Бу йил «Баҳром» фермер хўжалигида 20 гектар ерда пахта, 12 гектар майдонда буғдой етиштириляпти. «Аҳмадали ота»да эса пахта 21 гектарга, бошоқли дон 12,5 гектарга жойланган.*

*Икки дўстнинг кўзлаган режалари ҳам ҳамоҳанг. Бошоқли дон ҳосилдорлигини 85, пахтани эса 45 центнерданга етказиш уларнинг бу йилги азму қарорига айланган.*

**СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбарлари, икки дўст О. Ҳасанов ва М. Аҳмадалиевлар.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида амалга оширилган қатор террорчилик ҳаракатлари оқибатида кўплаб одамлар қурбон бўлгани ҳақидаги хабар мени ларзага солди. Хитой ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва халқига, шунингдек, ҳалок бўлганларнинг оилалари ва азият чекканларга чин юракдан ҳамдардлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

ХХР ҳукумати ҳар қандай шаклдаги терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашади ҳамда икки томонлама асосда ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Ўзбекистон билан хавфсизлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, юқоридаги "учта куч"га қарши муросасиз кураш олиб боришга, минтақада тинчлик ва осойишталикни ҳамжиҳат бўлиб таъминлашга, минтақани ривожлантириш ва равнақ топтириш учун қулай муҳитни яратишга тайёрдир.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз ва халқингиз дучор бўлган фожиали портлашлар тўғрисидаги хабар мени жуда кучли ларзага солди. Бундай террорчилик ҳаракатлари чуқур ғазаб уйғотади ва мен уларни қаттиқ қоралайман.

Япония ҳукумати ва япон халқининг вакили сифатида Ўзбекистон ҳукуматига ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик сўзларини изҳор этаман, омон қолганларга эса тезроқ соғайиб кетишларини тилайман.

**Жунъичиро КОИДЗУМИ,**
**Япония Бош вазири.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Террорчилар портлатган бомбалар оқибатида инсонлар қурбон бўлгани ҳақидаги хабардан ниҳоятда ғазабланган ҳолда Австрия халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Мазкур террорчилик хуружи терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда уни изчиллик билан олиб бориш, шунингдек, терроризмнинг ижтимоий ва социал сабабларини бартараф этиш зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

**Томас КЛЕСТИЛЬ,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Кейинги кунларда Ўзбекистон Республикасида содир бўлган террорчилик ҳаракатларининг фожиали оқибатлари тўғрисидаги хабар мени қаттиқ ларзага солди.

Тажовузларнинг қурбонлари бўлмиш оилаларга ва уларнинг қариндош-уруғларига Польша Республикаси, поляк халқи ҳамда шахсан ўз номимдан қайғу-алам ва чин юракдан ҳамдардлик сўзларини етказишингизни сўрайман.

Ўзбекистон сингари Польша ҳам, Терроризмга қарши Халқаро Каолициянинг аъзоси сифатида, ҳозирги дунёда тинчлик ва барқарорлик учун энг катта хавф-хатар бўлмиш терроризмни қатъиян қоралайди.

Терроризмга қарши ҳамда инсоният фаровонлигига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши курашда саботли ва қатъиятли эканлигимизни таъкидлашни истардим.

**Александер КВАСЬНЕВСКИ,**
**Польша Республикаси Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Бир қатор террорчилик хуружлари оқибатида кўплаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлган фожиа тўғрисидаги хабар мени қаттиқ ларзага солди. Ҳозирги дунёмизнинг демократик қадриятларига беҳуда ҳужумдан иборат бўлган бундай шафқатсиз зўравонлик ҳаракатлари барча давлатлар ва ҳукуматларнинг кучларини терроризмга қарши кураш йўлида мувофиқлаштириш зарурлиги тўғрисида бизни яна бир карра огоҳлантирмоқда.

Словакия мана шу курашни қатъият билан қўллаб-қувватламоқда ва ўзаро ёрдамга тайёрдир.

Муҳтарам Президент жаноблари, ҳалок бўлганларнинг барча оилалари, яқинлари ва қариндош-уруғларига менинг чуқур таъзияларимни қабул қилгайсиз. Ушбу оғир дамларда мен Сиз билан қайғудошман.

**Рудольф ШУСТЕР,**
**Словакия Республикаси Президенти.**

***

*Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидаги портлашлар натижасида бир неча Ўзбекистон фуқаросининг ҳалок ва ярадор бўлганлиги тўғрисидаги андуҳли хабар мени чуқур қайғуга солди.

Шубҳасиз, тинчлик ва хавфсизлик дунё мамлакатлари ривожи ва тараққиёти учун биринчи галда лозим бўлган шартлардан бири бўлиб, тинчлик ва осойишталикка қарши қаратилган ҳар қандай уриниш халқлар манфаатларига қарши қаратилган уринишдир.

Мен ҳар қандай зўравонлик ва террористик хатти-ҳаракатни қоралар эканман, ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва қариндош-уруғларига сабр-бардош ҳамда ҳалок бўлганларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратини тилайман.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

(Давоми 2-бетда).

*Барчамиз сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик*

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

Республика Бош прокуратурасида хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров март ойининг охирида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик хуружларини текшириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирди. У таъкидладики, барча воқеалар бўйича жиноий ишлар қўзғатилган ва тергов олиб борилмоқда. Тезкор қидирув маълумотлари асосида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан террорчилик актларига дахлдор шахсларни аниқлаш, топиш ва қўлга олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Сўнгги кунлардаги террорчиликка алоқадор воқеалардан бири — Бухоро вилоятининг Ромитан туманида 1 апрель куни рўй берган ҳодиса тафсилотлари маълум қилинди. Хусусан, Фароғат Акромова ўз уйида қўлбола портлаш мосламасини ишга туширган. Натижада у оғир жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган, 10 ёшли Зарина Саидова эса портлаш содир бўлган жойда ҳалок бўлган, бошқа жабрланганлар йўқ. Аниқланишича, Акромова 28 март куни шу тумандаги Раззоқовлар уйида рўй берган портлаш пайтида ҳалок бўлган Бобур Омоновнинг беваси, Саидова эса унинг синглиси экан.

Текшириш давомида террорчиларнинг ёвузликларига оид бошқа фактлар ҳам аниқланмоқда. Хусусан, жиноятчиларнинг ўзлари томонидан ясалган портлаш мосламаларининг портлаши туфайли ҳамда махсус операциялар давомида 33 нафар террорчи йўқ қилинган, улардан етти нафари аёллардир.

Бугунги кунда террорчиликка дахлдорликда гумон қилинаётган 19 киши қўлга олинган, уларнинг тўрт нафари хотин-қизлардир. Уларни қўлга олиш пайтида жиноят жойида шахсни тасдиқловчи кўп миқдордаги қалбаки хужжатлар топилди. Ҳужжатларнинг қаерда тайёрлангани синчковлик билан ўрганилмоқда.

Террорчиларнинг қурол-яроғ арсеналида 55 дона қўлбола портлаш мосламаси, алюмин кукуни, аммиак селитраси аралашмаси солинган 72 та ярим литрли пластмасса идиш, қўлбола портлатиш мосламасини тайёрлаш учун мўлжалланган компонентлар: 271 та электродетонатор, 210 та микросхема, 64 та тумблер-переключатель, 300 метр сим, 8 та СВ-4 қўлбола портлатиш мосламаси заряди, 30 килограммдан ортиқ болт, гайка, шайба, зўлдир ва бошқа металл буюмлар, шунингдек, портлатиш мосламаларини ясашга оид зарур йўриқномалар топилган.

Бундан ташқари, 2 тоннадан ортиқ алюмин кукуни, аммиак селитраси ва уларнинг аралашмаси, 7 та "Калашников" автомати, 11 та турли русумдаги пистолет, автомат ва пистолетлар учун 2 мингта жанговар ўқлар, 2 та жанговар граната топилган.

Ана шу буюмларнинг келиб чиқиши ҳамда портловчи моддалар таркиби бўйича криминалистик экспертизалар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, қўлга олинган диний адабиётлар қайси ақидапарастлик диний оқимга мансублиги мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Бош прокурор тергов жараёнида ушбу ёвузликлар уюшган ягона жиноий марказ орқали бошқариладиган жиноий гуруҳ томонидан содир этилганлиги ишончли далиллар асосида аниқланганлигини маълум қилди. Мазкур гуруҳ аъзоларининг аксарияти республикамиздан ташқарида жанговар тайёргарликдан ўтган. Булар Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари халқаро террорчилик ташкилотлари томонидан содир этилган, дейишга асос бўлади.

Бош прокурор тергов жараёни хусусида журналистлар ва жамоатчилик мунтазам равишда хабардор қилиб борилишини қайд этди.

**(ЎзА).**



**СУРАТДА: тергов жараёнида топилган қурол-яроғлардан бир қисми.**

**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## Уюшқоқликка даъват

28 — 30 март кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳуружи муносабати билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокидаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

"Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев бошқарган ушбу тадбирда мазкур мудҳиш воқеалар Ўзбекистонимиз мустақиллигини, заҳматкаш халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, қўлга киритаётган ютуқларини кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар юртимизнинг барча фуқаролари қатори нуронийларни ҳам қаттиқ ташвишга солгани таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар диёримизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаб, халқимизни, айниқса, ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш, террорчилик ҳаракатларига қарши курашда Президентимиз Ислом Каримов атрофига маҳкамроқ жипслашиш зарурлигини қайд этдилар. Мустақиллик берган буюк неъмат — юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби А.Балқазизнинг Ўзбекистонда сўнгги кунларда бўлиб ўтган қатор портлашларни қоралаши юзасидан матбуот баёни

Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби доктор Абдулвоҳид Балқазиз Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент ва мамлакат жанубидаги Бухоро вилоятида охирги уч кун мобайнида содир этилган портлашлар натижасида 19 киши ҳалок бўлганлиги ва моддий зарарлар етказилганлиги юзасидан ҳамдардлигини билдиради.

Ушбу муносабат билан Бош котиб Ислом конференцияси ташкилотининг ҳар қандай жабр ва зулм ҳамда террористик ҳаракатларга қарши мустаҳкам собит мавқеини билдирган ҳолда, сиёсий ихтилофларни тинч йўллар билан ҳал қилишга қатъий равишда чақиради.

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

28-29 март кунлари Ўзбекистонда содир этилган ваҳшиёна террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳеч бир гуноҳсиз инсонлар ҳалок бўлиб, жароҳатландилар.

Ўзбек халқи билан доимий бирдамликни таъкидлай туриб, Сизга, ҳалок бўлганларнинг ҳамда азият чекканларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этаман.

Инсон қалбини ларзага солувчи мудҳиш жиноятлар янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши, энг аввало, халқаро терроризмга қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини янада бирлаштириш ниҳоятда зарурлигини тақозо қилмоқда.

Самимий эҳтиром ила,

**Ю.ЯРОВ,**
**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия Қўмитаси Раиси, Ижрочи котиби.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Жаноби Олийлари,

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидаги даҳшатли террорчилик ҳаракатлари натижасида бир неча киши ҳалок бўлгани ва жароҳатлангани тўғрисида биз жуда катта қайғу билан хабар топдик. Жаноби Олийлари, ушбу мотамсаро кунларда бизнинг самимий ҳис-туйғуларимиз ҳамда тоат ибодатларимиз Сиз билан ва Сизнинг халқингиз билан пайвастадир. Жаноби Олийлари, ислом динини ниқоб қилиб олган гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган бундай хатти-ҳаракатлар уларнинг ислом дини билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, ислом динининг эса улар билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини исботламоқда, холос.

Бу фожиа террорнинг мафкуравий ва молиявий манбаларига қарши курашда Ўзбекистоннинг қатъиятини мустаҳкамлашига ишонаман.

Ўзбекистонни террорчилардан ва уларнинг ёвузликларидан ҳимоя қилишини Аллоҳдан илтижо қиламиз.

Аллоҳ Сизга марҳамат қилсин,

**Шайх Ҳишом ҚАББОНИЙ,**
**Америка Олий Ислом Кенгаши Раиси.**

***

### Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Бельгия Ташқи ишлар, ташқи савдо ва ривожланиш бўйича ҳамкорлик вазирлигининг расмий ахбороти

Бельгия Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Луи Мишель шу йил 28-29 март кунлари Ўзбекистон пойтахти Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини ғоят қатъий равишда қоралайди.

Вазирнинг сўзларига кўра: "Бегуноҳ одамларга қарши бундай хатти-ҳаракатларни ҳеч қандай важ ва сабаблар билан оқлаб бўлмайди. Ҳалок бўлганларнинг барча оила аъзолари ва яқинларига ҳамда Ўзбекистон ҳукуматига ҳамдардлигимни изҳор этаман".

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент жаноблари,

Яқинда Ўзбекистонни қайғуга солган қатор террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни қайғу билан қабул қилдим. Ушбу оғир дамларда Сизга ва бутун ўзбек халқига, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чин юракдан таъзияларимни йўллайман.

Франция ҳам терроризмдан жабр кўрган, шу боис у сизларнинг бундай офатга қарши курашингиз билан бирдамлигини изҳор қилади. Сиз ўзингиз таъкидлаганингиздек, "қора кучлар" Ўзбекистонни ўзи танлаб олган йўлдан, сиёсий ислоҳотларни давом эттириш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш йўлидан четга чиқара олмаслиги муҳимдир.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

***Жак ШИРАК,***
**Франция Республикаси Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Тошкентда ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бегуноҳ фуқаролардан 19 киши ҳалок бўлгани ва кўп одамлар жароҳатланганлиги муносабати билан болгар халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга чин юракдан ғоят чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Болгария Республикаси ана шу жиноятларни катъиян қоралайди. Бундай жиноятлар халқаро терроризмга қарши курашда яна ҳам кўпроқ жипслашган ҳолда ҳамкорлик қилиш ва терроризмга қарши коалициянинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш зарурлигига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Ҳалок бўлганлар ва азият чекканларнинг оилалари ҳамда яқинларига бизнинг таъзия ва ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман.

**Георги ПАРВАНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келганлиги муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан чин юракдан йўллаётган чуқур ҳамдардлигимизни қабул қилгайсиз.

Шафқатсиз ва сурбетларча қилинган бундай қонли жиноят Украинанинг ҳар бир фуқароси қалбида қаҳр-ғазаб уйғотмоқда. Шуни таъкидлашни истардимки, биз жаҳон ҳамжамиятининг терроризмга қарши курашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қатъий равишда қўллаб-қувватлаймиз. Ҳеч шубҳа йўқки, бугунги кунда терроризм халқаро хавфсизликка бутун дунё миқёсида таҳдид солмоқда.

Шу оғир дамларда украин халқи дўст Ўзбекистон халқи билан бирга қайғудадир.

Ҳалок бўлганлар ҳамда азият чекканларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига менинг чин юракдан билдирган ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Леонид КУЧМА,**
**Украина Президенти.**

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамда Ўзбекистон халқига беларус халқи ва шахсан ўз номимдан чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

Ҳар қандай зўравонлик тинчликка хавф туғдиради.

Терроризмнинг барча кўринишларини таг-томири билан тугатиш учун халқаро ҳамжамиятни жипслаштириш зарур бўлади.

Ишончим комилки, ана шу ножоиз ёвузликларнинг ташкилотчилари ва ижрочилари қилмишларига яраша жазоланадилар.

Эҳтиром ила,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларус Республикаси Президенти.**

***

### Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ижрочи котиби Чжан Дэгуаннинг Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари хусусида берган баёноти

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан бири — Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида март ойининг охирларида рўй берган қатор террорчилик ҳаракатлари одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Мен ана шу террорчилик хуружларини қатъиян қоралаб, азият чекканларга, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Ушбу террорчилик ҳаракатлари яна бир бор шуни тасдиқламоқдаки, ҳозирги вақтда терроризм, сепаратизм ва экстремизм кучлари мазкур минтақага ҳамон хавф-хатар солиб турган асосий кучлар бўлиб қолмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистон ҳукуматининг терроризмга қарши курашга ва мамлакат ичкарисида барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, халқаро ҳамжамият билан баҳамжиҳат ҳаракат ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда барқарорликни биргаликдаги куч-ғайратлар билан таъминлаш мақсадида "учта ёвуз куч"га қарши қатъий кураш олиб бораверади.

***

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Даҳшатли фожиа тўғрисида чуқур қайғу билан хабар топдим. Ўзбекистон Республикаси тинч ҳаётни ва миллатнинг бирлигини қўпоришга уринаётган кучлар томонидан яна қонли зарбага дуч келди. Содир этилган жиноятни аҳлоқ нуқтаи назаридан ҳам, қонун ва соғлом фикр нуқтаи назаридан ҳам оқлаб бўлмайди.

Шафқатсизлиги жиҳатидан ниҳоятда мудҳиш террорчилик ҳаракати оқибатида одамлар ҳалок бўлганлиги уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинлари учун ғоят оғир жудоликдир.

Бизда ўзганинг дарди ёки ўзганинг қайғуси деган гап йўқ.

Биз биргаликда тўла қайғудош бўлиб, бундай ҳол такрорланмаслиги, террорчилар эса қилмишига яраша жазо олишлари учун барча зарур чоралар кўрилишига ишонамиз.

Вилоятимиз аҳолиси ва шахсан ўз номимдан ҳалок бўлганларнинг оилалари, қариндош-уруғлари, яқинлари ва бутун ўзбек халқига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан.

**Д.АЯЦКОВ,**
**Саратов вилояти губернатори.**

---

*Барчамиз сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик*

# «ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК УЧУН КУРАШАМИЗ»

### *Ўзбекистон Республикаси Президенти номига келаётган мактубларнинг асосий маъно-мазмуни шундай*

(Давоми. Боши 1-бетда).

атингизга батамом қўшиламан ва уни қўллаб-қувватлайман, — деб ёзади Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида истиқомат қилувчи Омон Бекмуродов. — Фаровон ҳаётимизни издан чиқариб, фарзандларимиз келажагини хавф остида қолдириб, биз дуогўй кексалар қалбига қайғу-алам солмоқчи бўлган ғаламис кимсаларнинг икки дунёси ҳам қора бўлади...".

Ўзбекнинг боласи вояга етиб, эсини таниганидан бошлаб ота-онасига, оиласига тиргак бўлиб, элнинг дуосини олиб яшашга интилади. Кўпнинг олқиши инсонни юксалтиради, комиллик чўққисига кўтаради. Акси бўлса-чи?.. Худо кўрсатмасин, бундайлардан ҳамма ҳазар қилади, лаънат айтади. "Халқ қарғиши — ўқ, халқнинг қарғишидан қўрқ", деб бежиз айтмаганлар, ахир.

"Ватанга хиёнат она кўксига ўқ отиш билан баробар қабиҳликдир. Гарчи ёшим ўтиб қолган бўлса-да, шундай разилликка борган ватанфурушларга қарши азамат ўғлонларимиз билан елкама-елка туриб курашишга тайёрман, — деб ёзади Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳамидулло ота Юсупов. — Тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлган жиноятчилардан бири мен билан фамилиядош эканини эшитиб, айниқса қаҳр-ғазабга тўлдим. Бундай кимсаларга ўзбеклик ва ўзбекона исм-шариф хайф. Халқнинг нафратига учраганлар ҳеч қачон ниятига етолмайди".

Ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарурлиги ҳақида кўп гапирамиз. Яширишнинг ҳожати йўқ, содир этилган жиноий ҳаракатларнинг иштирокчилари осмондан тушган эмас. Уларнинг разил қилмишларини амалга оширишига маҳалла-кўй, турар-жойларда баъзан бепарволик ва лоқайдликка йўл қўйганимиз ҳам сабаб бўлган. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, бундай кайфиятларга барҳам бериб, дўсту душманни яхши таниб, тинчлик учун курашмоғимиз керак.

"Бу мудҳиш воқеа муносабати билан осуда ҳаёт, тинчлик қадрини чуқурроқ ҳис этгандек бўлдим, — деб ёзади Жиззах вилояти, Зомин туманидан Амир Тоғаев. — Бугунги кунларимизни кўра олмайдиган жоҳил кучлар бор экан, биз янада ҳушёр ва сергак бўлишимизни ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда".

Қадим ўзбек заминида азал-азалдан турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб келган. Истиқлол шарофати билан пайдо бўлган ягона Ватан туйғуси бу дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, қардошлик муносабатларига янгича маъно-мазмун бахш этди.

"Сиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ жамоатчиликни огоҳлантириб айтганингиздек, қўлга киритилаётган ютуқларимизни кўролмайдиган бир гуруҳ бадкирдор, фитначи кимсалар террорчилик ва зўравонлик йўли билан кўпмиллатли элимизнинг жипслигини бузиб, ваҳима ва қўрқув уруғини сочишга ҳаракат қилди. Биз уларнинг бу разил қилмишларига нисбатан бепарво бўлолмаймиз. Чунки бу манфур кимсаларнинг хатти-ҳаракатида Ватанимиз тақдири, тинчлиги ва осойишталигига таҳдид қилинган, — деб ёзади мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўттиздан зиёд миллий-маданий марказ раҳбарлари ўз мактубида. — Биз кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг тенг ҳуқуқли вакиллари сифатида шуни ишонч билан таъкидлаймизки, қўлимизда дўстлик, бирлик ва ҳамжиҳатлик деб аталган катта куч, қалбимизда муқаддас Ўзбекистонимизга нисбатан муҳаббатимиз барқарор экан, истиқлолимиз душманлари қора ниятларига ҳеч қачон етолмайди".

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан оғишмай бораётган давлатимиз қонунларида содир этилган ҳар бир жиноят учун жазо муқаррар экани қатъий белгилаб қўйилган. Рўй берган портлашларда осойишталик посбонлари бўлган милиция ходимлари билан бир қаторда тинч аҳоли вакиллари ҳам ҳалок бўлди. Бу хунрезлик сабабчиларини бегуноҳ қурбон бўлганларнинг заволи тутади. Қўлга олинганлари эса ёвуз қилмишлари учун суд олдида, халқ олдида албатта жавоб беради. Юртдошларимизнинг хоҳиш-иродаси шуни талаб этади.

"Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган қўпорувчиликлар бизнинг мўъжаз жамоамиз аҳлида қаттиқ ғазаб ва нафрат уйғотди, — дейилади Наманган вилояти Янгиқўрғон лицей-интернат ўқитувчиларидан келган мактубда. — Шундай ёвуз хатти-ҳаракатга қўл урган ватанфурушлар албатта ўз қилмишларига яраша жазога дучор бўлишлари зарур".

"Жонажон Ватаним Ўзбекистонда содир этилган фожиадан чуқур қайғудаман, — деб ёзади Германиядаги Амалий фанлар олий мактабида таълим олаётган юртдошимиз Собиржон Юсупов. — Сиз каби халқнинг дарду қувончини ҳаёт мазмуни деб билган бир фарзанд сифатида шуни ишонч билан айтаманки, ислом динини ниқоб қилиб олган ғараз ниятли кимсаларга Ватанимизда ўрин бўлмаслиги керак. Зарур бўлса, уларга қарши курашда жонимни беришга тайёрман ва барча тенгдошларимни бу йўлда бирдамликка чақираман.

Ўзбекистондан олисда бўлсам ҳам, менда ота-онам, оила-аъзоларим тақдири ҳақида хавотир йўқ. Чунки уларнинг хавфсизлигига Сизнинг тимсолингизда кафолат борлигига ишончим комил. Сизни ва халқимизни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин".

Халқимизда "Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар", деган доно нақл бор. Неча-неча асрлар мобайнида жасоратли аждодларимиз қўлда қурол билан ўз юртини, ўз озодлигини ҳимоя қилган. Бунга тарихнинг ўзи гувоҳ. Шу сабабдан ҳам ота-боболаримизнинг буюк орзуси бўлган мустақиллигимизга қарши қаратилган тажовузлар мамлакатимиз ёшлари томонидан қаттиқ қораланмоқда.

"Ўзбекистонни экстремизм ва терроризм гирдобига тортмоқчи бўлганлар янглишади, — дейилади ўсмирлар ўртасида парашют спорти бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати қатнашчилари йўллаган шошилинчномада. — Биз барча тенгдошларимизни юрт тинчлиги, фаровон ҳаёт учун бир мушт бўлиб бирлашишга чақирамиз. Мамлакатимиз келажаги бизнинг қўлимизда. Бу ўта долзарб масалага лоқайд ва бепарво бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Биз ғаламис кимсаларни, уларнинг манфур ниятларини таг-томири билан қуритиб ташлашга ҳамиша тайёр эканимизни билдирамиз. Ўзбекистонда терроризмга йўл йўқ!".

Неча асрлик курашлар натижасида қўлга киритилган озодлигимизни, Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, ўз олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга эришиш учун дунёга, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тафаккур кўзи билан қараш лозимлигини барча ватандошларимиз, айниқса, ёшларимиз тобора чуқур англаб етмоқда.

"Куни кеча бўлиб ўтган воқеалар биз талабаларни чуқур қайғуга солди. Айниқса, бегуноҳ инсонларнинг ҳалок бўлиши, биз каби фарзандларнинг ота-она меҳридан бевақт маҳрум бўлиши энг оғир мусибатдир, — деб ёзади Тошкент Давлат юридик институти талабалари. — Манфур кимсалар халқни қўрқитиш, ваҳима ва таҳликага тушириш мақсадида уюштирган ушбу фитна биз талабаларни янада жипслашишга, ҳушёр ва сергак бўлишга, халқимиз танлаган йўлдан оғишмай ҳаракат қилишга сафарбар этмоқда.

Биз, талабалар, бундай пайтларда ўз вазифамизни янада яхшироқ ўқиш, вазиятни онгли таҳлил қила билиш, ўзимиз яшаётган маҳаллада, ўқув юртларида тушунтириш ишларини ташкил қилишда деб биламиз.

Биз тинчлик ва осойишталикда ўқиб, билим олишни истаймиз, ота-онамизни, Ватанимизни, Президентимизни ҳимоя қилишга доимо тайёрмиз ва бунинг учун курашамиз".

Содир бўлган воқеаларга нисбатан фаол фуқаролик позицияси акс этган бундай мактуб ва шошилинчномаларнинг келиши ҳамон давом этмоқда. Эл-юрт ғазаби ва нафратига дучор бўлган ёвуз кучларга қарши халқ овози баралла янграмоқда. Юртбошимизнинг ўз халқига, ўз Ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, кимлигини халқимизга кўрсатамиз, деган сўзлари юртдошларимизга ишонч бахш этмоқда. Бинобарин, киндик қони томган она Ватанини, унинг конституциявий тузумини ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қилишни муқаддас бурч, шон-шараф иши деб биладиган мард ва жасур, фидойи фарзандлари бор юртни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

**С. РАУПОВ.**

---

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# Гуноҳи азим

Кейинги кунларда Тошкент шаҳри, вилояти ва Бухорода рўй берган террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари халқнинг адолатли нафратини қўзғади. Аслида-ку, террорчининг миллати ҳам, Ватани ҳам, эътиқоди ҳам бўлмайди.

Ўз хешларига, ўз қондошларига қурол отиш, бегуноҳ одамлар, ҳатто ёш гўдакларнинг умрига зомин бўлишни оқлаш мумкинми? Ўз онасидан, ўз Ватанидан воз кечиш, ўз отасига оқпадар бўлиш дўзахийлик эмасми?

Ушбу ташвишли воқеалар рўй берган кунлари бир гуруҳ халқ ноиблари Тошкент вилоятининг турли шаҳар ва туманларида бўлдилар. Бир қанча депутатлар, ижодкорлар Янгийўл туманининг энг чекка қишлоқларида, Қозоғистон билан чегарадош маҳаллаларида, турли ширкат ва фермер хўжаликларида бўлдик. Янгийўл шаҳрининг қатор фуқаролар йиғинлари, коллежлар, корхоналар, мактабларда кекса ва ёшлар, ишчи ва деҳқонлар, зиёли ва талабалар билан бафуржа, самимий суҳбатда иштирок этдик. Деҳқон экинтикин ташвиши билан, ишчи ва хизматчилар ўз юмуши билан банд. Эркак ёки аёлми, қария ёки ёшми — ҳамманинг фикри битта: бундай хунрезликни Тангри ҳам, бандаси ҳам кечирмайди! Бундай кимсалар жазосиз қолмайди!

Шу билан бирга, ҳаммамизни ўйлантирадиган, ташвишга соладиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Албатта, террорчи ва қўпорувчиларнинг чет элдаги «ҳомийлари», пул ва қурол билан таъминлайдиган, бош чаноғидаги ақлни суғуриб олиб, ўрнига заҳар жойлаб қўядиган «ғоявий раҳнамолари» борлиги аниқ. Бироқ бундай ғайриинсоний жиноятни «бажараётганлар» ўз юртимиздан чиққан-ку! Уларнинг ота-онаси қаёққа қараган? Биз-чи, биз нега уларни назардан қочирдик? Наҳотки шу қадар бепарво, шу қадар лоқайд бўлиб қолганмиз?

Мамлакатимиз раҳбари «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла!» деган шиорни ўртага ташлаганида қувониб қарсак чалган ўзимиз эдик-ку! Ҳар ким ўзи учун ўзи яшаб, ўзи учун ўзи курашадиган юртлар бор. Аммо бизда жамоавий турмуш тарзи қадимдан қон-қонимизга сингиб кетган-ку! Биз бир-биримизга суяниб ва бир-биримизни суяб яшаймиз-ку! Қўшнимизнинг хонадонида нималар рўй бераётгани, бир қават юқоридаги квартирага қандай «меҳмонлар» кириб чиқаётгани билан наҳотки бирров қизиқиб қўймасак? Қўшнидан ҳол-аҳвол сўрашнинг гуноҳи йўқ-ку! Бу ўринда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг зиммасига ҳам катта масъулият тушади. Шубҳасиз, эл бошига иш тушганда айнан шундай фидойи йигитларимиз кўксини қалқон қилди. Ватан мустақиллиги, халқ тинчлиги йўлида жонини аямади. Уларнинг охирати обод бўлсин. Хотираси ҳамюртлар қалбида қолади. Шу билан бирга, ҳар бир маҳалладаги участка нозири — милиция ходими ўша маҳалла ёки қишлоқнинг ўз фарзандига айланмоғи керак. Токи уни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма танисин. Кексалар ўз ўғлидек, ёшлар ўз акасидек билсин, унга таянсин, ёрдам берсин. У ҳам ҳар бир хонадоннинг аъзосидек бўлсин. Ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда ёвуз кучлар юрак бетлаб келолмайди. Учрашувларда мана шу масалалар ҳам ўртага ташланди.

Ҳар қандай қўпорувчилик, одамкушлик жазосиз қолмайди. Бундай жиноятлар халқнинг ғазабига учрайди. Халқ ғазаби эса энг олий жазодир!

---

# Энг улуғ неъмат

Тинчлик Аллоҳ таоло томонидан бутун инсониятга инъом этилган улуғ неъматдир. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантиргани ҳам бежиз эмас. Аллоҳ таоло Қуръони каримда баён қиладики: **«Эй имон келтирган бандалар! Барчангиз тамомила тинчлик ва тоат йўлига киринглар»** (Бақара, 208).

Мўмин-мусулмонлар ҳар кунги беш вақт намоз чоғида Аллоҳ таолодан тинчлик ва офият сўраб дуода бўладилар. Уларнинг бу қилган ибодатлари ва илтижолари ер юзидаги барча эзгу ниятли инсонларга энг азиз ва зарур бўлган тинчликни сақлаш ишида кишиларни бирлаштиради. Қуръони карим «Моида» сурасининг 2-оятида **«Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз»** дейилади. Бу ояти каримадан маълумки, эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзида тинчлик барқарор бўлишига бош омилдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам тинчлик ва хотиржамлик ҳақида шундай деганлар: *«Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебаҳрадирлар»* («Имом Бухорий ривояти).

Минг афсуски, Аллоҳ таолонинг улуғ неъмати бўлмиш тинчликдан ҳамма ҳам баробар баҳраманд эмас. Чунки, дунёнинг турли бурчакларида террорчилар томонидан ноҳақ қон тўкилишлар содир этилмоқда. Яқинда юртимизда ҳам мана шундай мудҳиш воқеалар рўй берди. Қабиҳ ниятли бузғунчи гуруҳлар томонидан амалга оширилган ушбу қонли воқеалар, бутун Ўзбекистон халқи қатори дин аҳлининг ҳам қалбларини қаттиқ ларзага солди. Биз бу хунрезликларни қоралаймиз ва бундай қабиҳ ниятли кимсаларни лаънатлаймиз. Мудҳиш воқеани амалга оширган жиноятчилар тезда топилиб, албатта жазосини олмоғи керак. Жорий йилнинг 1 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлиб ўтган Уламолар Кенгаши мажлисининг асосий мавзуси ҳам айнан шу ҳақда бўлди.

Эл тинчини бузиб, инсон ҳаётига тажовуз қилиш Қуръони каримда кескин қораланган. Бу ҳақда «Нисо» сурасининг 93-оятида: **«Кимки бир мўминни қасддан ўлдирса, унинг жойи абадий жаҳаннамда бўлади, у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлади. Аллоҳ унга аламли азобни тайёрлаб қўйгандир»** дейилган.

Ноҳақ қон тўкиш гуноҳи азим экани ҳадиси шарифларда ҳам баён қилинган. Жумладан, Ибн Масъул (р.а) ривоят қиладиларки, Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Инсонлар қиёмат кунида биринчи бўлиб ноҳақ тўкилган қонлар ҳақида сўроқ қилинадилар»*, — деганлар.

Бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар оқибатида бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмдилар. Биз жабрдийда оилаларга ўз ҳамдардлигимизни билдирамиз.

Маълумки, ер юзида фисқу фасод қўзғатиш, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш, ўз жонига қасд қилиш каби иллатлар мусулмончиликка ётдир. Парвардигор инсонга ақлу заковат бердиким, токи ҳаёт ва унинг неъматлари қадрига етсин, турмуш машаққатлари ва мусибатларга сабру бардошли бўлсин.

Қуръони каримда инсон ўз жонига жабр қилиши қатъий ман этилиб: **«Ўз қўлингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг»** — дейилади ( Бақара, 195).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам муборак ҳадиси шарифларида ўз-ўзини ўлдириш ҳаром экани, бундай ишни қилган кишига охиратда қаттиқ азоблар борлигини айтганлар: *«Кимки ўзини темир парчаси билан ўлдирса, у киши ўша темир парча қорнига суқилган ҳолда қиёматда жаҳаннам ўтида адабий қолур. Кимки ўзини заҳар билан ўлдирса, у киши ўша заҳар билан қиёмат кунида дўзахда доимий азобланур».*

Ўз-ўзини ўлдириш мусулмончиликка тўғри келмаслигини шундан ҳам билиш мумкинки, Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай одамга жаноза намозини ўқишдан ўзлари бош тортганлар.

Бугунги кунда террорчиларнинг қабиҳ ниятлари бутун жаҳон афкор оммасига аёндир. Биз мамлакатимиздаги барча соф ниятли мўмин-мусулмонларни мана шундай масъулиятли дамларда оғир-вазмин бўлишга, турли иғво ва кутқуларга, бўҳтон ва мишмишларга учмасликка, диёримизда хотиржамликни асраш ишига ҳисса қўшишга даъват этамиз.

Аллоҳ таоло мустақил юртимизни тинч-осойишта, халқимизни ўз паноҳида сақласин. Юртимиз равнақини кўролмаган қабиҳ ниятли жоҳил ва ёвуз кучларни ўзи бартараф қилсин. Эл-юрт тинчлиги учун жонларини қурбон қилган ва террорчилик ҳаракати туфайли қонлари тўкилган бегуноҳ юртдошларимизни Ўзи раҳматига олсин.

**Абдурашид қори БАҲРОМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

*Эртага НАТО ташкил топганига 55 йил тўлади. Шимолий альянснинг 55 йиллиги арафасида унга аъзо давлатларнинг сони 26 тага етди. 29 март куни Латвия, Литва Эстония, Болгария, Руминия, Словакия ва Словениянинг Иттифоққа аъзо бўлганлиги эълон қилинганди. Куни кеча эса Брюсселдаги НАТОнинг бош қароргоҳида ушбу еттита мамлакатнинг давлат байроқлари расмий равишда кўтарилди. Иттифоққа янги аъзолар қўшилиши натижасида НАТО Қуролли кучлари ҳарбийларининг сони 190000 нафарга кўпайди. Ушбу давлатларнинг ҳар бири (Словениядан ташқари) ўз ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизидан кўпроғини мудофаа учун сарфлайдилар.*

# Дунё хавфсизлиги кафолати

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳар бир мустақил мамлакат ўз тараққиёти, тинчлиги ва хавфсизлиги учун дунёнинг бошқа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга интилади. Шу жумладан, мустақил Ўзбекистон ҳам кўплаб мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Айниқса, НАТО билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йил сайин ривожланиб бормоқда. 1992 йилнинг мартида Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг 9 та республикаси қатори Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгашига қўшилганди. 1994 йил 13 июлида Ўзбекистон Республикаси ҳайъати НАТО қароргоҳига ташриф буюрди ҳамда Ўзбекистоннинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурига қўшилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури нафақат Европа балки, бутун дунё хавфсизлигининг янги моделини яратишга қаратилган йўналишлардан биридир.

1990 йил май ва ноябрдаги Рим, 1994 йил июлидаги Истамбул, 1994 йил 1 декабридаги Брюссель Кенгашлари "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурига олиб келган жараёндир. Чунки бу учрашувларда, асосан, "совуқ уруш" ниҳоясидан сўнг НАТОнинг қайта шаклланиши ва Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгашининг ташкил этилишига оид қарорлар қабул қилинди. Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгашининг асосий вазифаси Марказий ва Шарқий Европадаги янги мустақил давлатлар билан Европада ва ҳамкорликка аъзо давлатлар ҳудудида тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш йўлида доимий равишда амалий тадбирларни олиб боришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг НАТО билан ҳамкорлигининг янада ривожланишида Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил ноябрида мазкур ташкилот қароргоҳига ташрифи, 1999 йил апрелида НАТОнинг 50 йиллиги тантаналари ҳамда 2002 йил ноябрида Прага саммитидаги иштироки, НАТОнинг собиқ бош котиблари Х.Солана ва Ж. Робертсонларнинг мамлакатимизга қилган ташрифлари муҳим аҳамият касб этди.

1998 йилда Иттифоқнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг доимий миссияси очилди. Ўзбекистоннинг "Тинчлик йўлидаги хамкорлик" дастури доирасида мамлакатимиз Қуролли Кучлари билан НАТОга аъзо ва ҳамкор давлатлар аскарлари ўртасида "Ҳамкорлик меваси-95", "Ультрабаланс-96", "Кооператив оспрей-96", "Кооператив наггет-97", "Ультрабаланс-97", "Центразбат-97", "Кооператив баннерс", "Кооператив наггет-2002" ва "Фергана-2003" қўшма машқлари ўтказилди.

НАТО Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш даъватларини қўллаб қувватламоқда. Президентимиз Прага саммитида таъкидлаганларидек, ҳозирги вақтда бирон бир мамлакат ўзини таҳдидлардан бехавотир сеза олмайди. Бунинг учун бутун дунё давлатлари ҳамжиҳатликда курашишлари керак.

2003 йилда "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасида Ўзбекистон ҳамда НАТО ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари 130 дан ортиқ тадбирларни ўз ичига олди.

Ўзбекистон ва НАТО ҳамкорлиги Марказий Осиё минтақасида ва умуман Евросиё маконида тинчлик, халқаро терроризмга қарши ҳамжиҳатликда курашда, барқарорлик ва хавфсизлик ишига кўмаклашади. Мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги самарали ҳамкорликнинг янада ривожланишига олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, Шимолий Атлантика Иттифоқи дунёдаги ҳар қандай зўравонликка, ҳар қандай гуруҳ, ташкилотларнинг бошқа бир гуруҳ, ташкилот ёинки, бирон мамлакат устидан тазйиқ ўтказишига сиёсий ва ҳарбий йўл билан қарши чиқа оладиган ҳамда жаҳон хавфсизлик тизимини таъминлашга хизмат қиладиган қудратли ташкилотдир.

**Ориф БАЙМАТОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти.**

# ОЛАМ НАФАСИ
## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# Тикланиш ва тараққиёт учун

Аввал хабар қилганимиздек, Берлин шаҳрида Афғонистонни тиклаш масаласига бағишланган икки кунлик халқаро конференция ўз ишини тамомлади. Унда мазкур мамлакатнинг бугунги кундаги аҳволи, иқтисодиётининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар муҳокама қилинди. Афғонистон Ислом Ўтиш даври раиси Ҳамид Карзай халқаро ҳамжамиятни мамлакат яна террорчилар маконига айланмаслиги ва наркотикларга қарши кураш масалаларида ёрдам беришга чақирди.

Дарҳақиқат, гиёҳванд моддаларни ишлаб-чиқариш кўпайгани Афғонистоннинг бугунги кундаги асосий муаммоларидан биридир. БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бюроси берган маълумотларга қараганда, ҳозир Афғонистон гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринда бормоқда. Мамлакатда йилига 3 минг тоннадан зиёд опий хом-ашёси етиштирилаяпти ва улар хорижга чиқарилмоқда.

Шу муносабат билан халқаро анжуманда наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши курашни кучайтириш мақсадида мамлакат атрофида «хавфсизлик камари» яратиш тўғрисида битим тузилди. Гиёҳванд моддалар-



га қарши кураш тўғрисидаги Берлин декларациясини Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла ва қўшни давлатлар, жумладан, Хитой, Эрон, Покистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари имзолади.

Бундан ташқари, конференцияда Афғонистон хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига ҳам урғу берилди. Афғонистонлик экспертларнинг фикрича, агар халқаро ҳамжамият етти йил давомида Ҳамид Карзай сўраган 27,5 миллиард долларлик маблағни берса, мамлакатда аҳвол ўнгланиши мумкин.

Конференция давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Афғонистон ташқи ишлар вазири А.Абдулла, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, Қирғизистон ташқи ишлар вазири А.Айтматов, Қозоғистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари К.Абусеитов, Япония делегацияси раҳбари ўринбосари, ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистон масалалари бўйича элчиси Т.Хоримура ва Тожикистон президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси Э.Раҳматуллаев билан учрашувлар ва музокаралар ўтказдилар. Томонлар Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини қайта тиклаш борасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# Дастур тугатилди

Ироқда кечадан бошлаб БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1483-резолюцияси бўйича қабул қилинган «Озиқ-овқат эвазига нефть» дастури ўз фаолиятини тўхтатди. Бундан буён мамлакатда инсонпарварлик ёрдами бўйича барча дастурлар коалицион кучлар ваколати доирасига ўтади. Бундан бир неча кун аввал Ироқни ривожлантириш жамғармасига БМТнинг банк ҳисоб рақамларидан 3 миллиард доллар ўтказилди. Бундан ташқари, мамлакатда дастур доирасида қурилган мактаблар, электростанциялар ва бошқа объектлар Ироқнинг Ўтиш даври маъмурияти тассарруфига ўтади.



БМТ тарихидаги энг йирик ҳисобланган ушбу дастур Ироқда 1996 йилдан амалга оширила бошланди. Ундан мақсад — Ироқ 1991 йилда Кувайтга бостириб кирганидан сўнг киритилган халқаро санкцияларнинг аҳоли учун салбий оқибатларини юмшатиш эди. Дастур Ироқ ҳукуматига нефть маҳсулотларини сотишдан тушган маблағга озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа инсонпарварлик юклари харид қилиш имконини берди.

Дастурни амалга ошириш давомида 3,4 миллиард баррель (1 баррель 159 литрга тенг) нефть сотилган, ундан тушган маблағнинг 72 фоизи ёки 46 миллиард доллари инсонпарварликка қаратилган турли лойиҳаларни татбиқ этиш ва озиқ-овқат харид қилишга ишлатилди.

Айтиш лозимки, Саддам Ҳусайн режими ағдарилгач, дастурни амалга ошириш давомида турли ноқонуний ҳаракатлар бўлгани аниқланди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан мазкур масалани ўрганишни таклиф этди. Ташкилот Хавфсизлик Кенгаши йўл қўйилган коррупция бўйича қидирув ишлари олиб бориш ҳақида қарор қабул қилди. ХКнинг ҳозирги раиси, Франциянинг БМТдаги доимий вакили Жан Марк де ла Саблиер ташкилотга аъзо барча давлатларни қидирув ишларида қатнашишга чақирди.

Ироқнинг «Al Mada» газетаси ноқонуний ишларни амалга оширишда гумон қилинаётган 270 та хорижий компания рўйхатини эълон қилди. Унда Миср, Иордания, Сурия, Ливан, БАА, Туркия, Россия, Италия, Франция ҳамда Хитой компаниялари бор.

Қидирув ишлари бўйича йиғилган ҳужжатлар мустақил комиссия томонидан ўрганилади.



***Мана, 30 йилдирки, Кипр оролидаги грек ва турк аҳолиси ўртасида зиддиятлар рўй бериб турибди. Орол 1974 йилда иккига бўлиниб қолган эди. Ўшанда греклар қўллаб-қувватлаган давлат тўнтаришига жавобан Туркия орол ҳудудининг учдан икки қисмига ўз армиясини киритганди. 1983 йилда Туркиянинг ўзигина тан олган Шимолий Кипр Турк республикаси ташкил этилди.***

# Орол ягона давлат бўладими?

1974 йилдан бери оролнинг турк ва грек аҳолисини БМТ томонидан назорат қилинадиган «яшил чизиқ» ажратиб туради. Ўша пайтлари оролга 30 мингдан ортиқ турк ҳарбийлари жойлаштирилди, Никосия эса Европадаги иккига бўлинган сўнгги пойтахт-шаҳарга айланиб қолди.

Ўтган йилнинг март ойида Кипр президенти Тассос Пападопулос ва кипрлик турклар вакили Рауф Денкташ Никосияда учрашишди. Бироқ бу учрашувлар натижасиз тугагач, томонлар музокараларни Швейцарияда давом эттиришни режалаштиришган эди. Аммо Рауф Денкташ бу учрашувларда қатнашишдан бош тортди. Шундан сўнг музокараларни Туркия ва Греция Бош вазирлари давом эттиришди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Швейцарияда бош вазирларга Кипрни бирлаштириш режасини тақдим этди. Бош котибнинг айтишича, бу режа 30 йил давомида оролда ҳукм сурган бошбошдоқликка барҳам беришга қаратилган.

Режага кўра Кипрнинг турк аҳолиси ўз ерларининг бир қисмидан айрилиши, кўпгина греклар эса 1970 йилда ташлаб кетган уйларига қайтиб келиши мумкин бўлади. Шунингдек, режа бўйича икки томон ҳам шу йилнинг 24 апрель куни алоҳида-алоҳида референдум ўтказади. Бирор томон режани қабул қилмаса, 1 майда Кипрнинг грекларга тегишли қисмигина Европа Иттифоқига аъзо бўлади.

Греция ҳукумати БМТ режасига нисбатан ўз хавотирини билдирди. Шу билан бирга, оролда референдум ўтказилишини қўллаб-қувватлади.

— Биз бу масалада келиша олмадик. Энди Кипр аҳолиси ўзи бир тўхтамга келсин, — деди Греция Бош вазири Костас Караманлис.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг айтишича, ўтмишда жуда кўп имкониятлар бой берилди. Энди эса Кипр аҳолиси БМТ режаси асосида бирлашиши ёки алоҳида давлатлар сифатида яшаш йўлини танлашлари керак.

Бош котиб иккала жамоа вакилларига мурожаат қиларкан, «Кипр бирлашган республикасида тинчлик ўрнатиш имкониятидан фойдаланайлик», деди.

Маълумотларга қараганда, Кипрнинг турк ва грек аҳолиси бирлашишни истайди. 2003 йил апрелдан Кипр бўйлаб ҳаракатланиш қоидалари юмшатилганидан кейин икки миллат ўзаро маданий ва маърифий алоқаларни йўлга қўйди.

Туркия вакиллари сешанба куни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган режа матнидан қониқмаганликларини билдирдилар.

Мутахассислар БМТ тақдим этган режада Европа қонунчилигига тўғри келмайдиган жиҳатлар ҳам борлигини айтмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи ҳудудида эркин ҳаракатланиш масаласи баҳсларга сабаб бўлиб турибди.

Туркия вакиллари ўз ҳудудидаги греклар сонини камайтириш ҳамда 1974 йилда мулкидан айрилган қочоқлар ўз даъволаридан воз кечишини талаб қилмоқда. Греция томони эса БМТни турк томонига ён босишда айбламоқда.

**Хуршид РАУПОВ.**

# Ташқи сиёсат ўзгармайди

Франция президенти Жак Ширак ҳукумат таркиби, шу жумладан ташқи ишлар вазири қайта тайинланганини билан мамлакатнинг ташқи сиёсати ўзгармаслигини маълум қилди. Эндиликда Франция Ташқи ишлар вазирлигини Доминика де Вильпена ўрнига Мишел Барнье бошқаради.

# Тўрт йилда уч марта сайлов

Кеча Шри-Ланкада мамлакат парламентига сайловлар бўлиб ўтди. Охирги тўрт йил мобайнида парламентга уч маротаба депутатлар сайланди. Воқеа жойидан хабар қилинишича, оролда сайловлар хавфсизлик чоралари кучайтирилган ҳолатда ўтказилди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатдики, Шри-Ланкалик ҳар тўрт фуқаронинг учтаси сайловда қатнашиш истагини билдирган.

# Хат ўрнида бомба



**Испаниядаги марказий почта хизмати ходимлари мамлакат оммавий ахборот воситаларига жўнатилган учта номаълум хатда бомба яширилганлигини сезиб қолишган. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатди. Полициячилар хатлардаги бомбани зарарсизлантиришга улгурдилар. Испания Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, «хатлар» ким томонидан жўнатилганлиги номаълумлигича қолмоқда.**

**Худди шу куни Италияда ҳам полициячилар жўнатилган икки жўнатмадаги бомбаларни зарарсизлантиришди. Уларнинг ҳар биридан ўртача 100 граммдан портлатгич модда ва видеокассеталар топилган. Жўнатмалар давлат бошқарув органларининг икки раҳбарига юборилган.**

# Ҳамкорлик қилмагани боис

АҚШ Сербияга ажратилаётган молиявий ёрдамни тўхтатди. Бунинг сабаби ҳарбий жиноятчилар устидан олиб борилаётган суд жараёнларида Сербия Гаага Халқаро трибунали билан етарлича ҳамкорлик қилмаяпти. Сербияда издан чиққан иқтисодиётни тиклаш учун Америка ҳукумати 100 миллион доллар маблағ ажратган ва унинг тўртдан уч қисмини бериб бўлган эди. Маълумки, Гаага трибунали билан ҳамкорлик қилиш шарти асосида бундан уч йил олдин АҚШ Сербияга молиявий ёрдам беришга қарор қилганди.

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти Сербиянинг янги ҳукумати ҳарбий жиноятларда айбланаётган бир неча шахсларни трибуналга беришни истамаётганлигидан хавотирланмоқда. Ўтган чоршанба куни департамент вакили Белграддан ҳарбий жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни Халқаро трибуналга топширишни расман талаб қилди. Тахмин қилинишича, боснялик серблар отрядига қўмондонлик қилган Ратко Младич Сербия ҳудудида яшириниб юрибди.

Би-Би-Сининг Белграддаги мухбирининг айтишича, Вашингтоннинг бу қарори Сербия иқтисодига жиддий салбий таъсир кўрсатиши аниқ. АҚШ бу масалани кўриб чиқиш учун Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва хусусий банкларга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Иш бундай тус олишидан чўчиган Сербия Бош вазири Воислав Коштуница Гаага билан амалга оширилаётган ҳамкорлик шартлари ҳеч бир эътирозсиз бажарилишини маълум қилди.

# Қўпорувчилик деб баҳолади



**Европа парламенти Исроил армиясининг Фаластин ҳудудида олиб бораётган ҳарбий амалиётларини террорчилик ҳаракати деб баҳолади ва Европа Иттифоқига аъзо давлатларни мабодо бу террорчилик сиёсати тўхтатилмаса, Исроил билан келишилган барча битимларни бекор қилишга чақирди.**

**2000 йилда ЕИ ва Исроил ўртасида сиёсий ва дипломатик муносабатлар ўрнатилиши тўғрисидага битимга эришилганди. Бундан ташқари, Исроил билан молиявий ва савдо-сотиқ борасида ҳам ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилганди.**

# Миср рад этди

Уганда президенти Иовери Мусевени Мисрни Нил дарёсидан фойдаланишни монополия қилмасликка чақирди ва Нилдан кема қатнови ҳуқуқини Мисрга бериш тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқилишини талаб қилди. Миср ҳукумати дарёдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа Африка давлатларига ҳам беришни қатъиян рад этаяпти.

Африка қитъасининг шимолида жойлашган Кения, Уганда, Судан, Бурунди, Руанда, Конго ва Эфиопия давлатлари ҳам Нил сувидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувни қайта кўриб чиқишни анчадан буён талаб қилиб келишмоқда.

# Бепул тарқатилади




**Жанубий Африка Республикасида ОИТСга чалинган беморларга бепул дори-дармон тарқатиш бошланди. Эндиликда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси давлатга қарашли даволаниш шифохоналаридан ОИТСга қарши қўлланиладиган препаратларни текинга олиши мумкин. Бир шифокорнинг айтишича, давлат тарафидан бундай оммавий тадбирнинг ўтказилиши мамлакатда ОИТСнинг кенг тарқалишини секинлаштиради.**

**Статистик маълумотларга қараганда, ЖАРда вич вирусини юқтирганлар сони ўртача 5 миллион нафарни ташкил қилади.**

Ўзбекистонда ягона маккажўхори крахмали ишлаб чиқарувчи
«Фулонг Индустриал» ҚК
ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.
Нархлар — келишилган ҳолда.
Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.
Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.
Маккажўхори сотиб оламиз.
Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!
Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор қ., Зироат кўчаси, 1-уй.
Телефон: 58-48-97, факс: 120-58-24,
e-mail: tglst@bcc.com.uz

BG «BAXT GULI» МЧЖ
Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилган
ГУРУЧ МАҲСУЛОТИНИ
улгуржи нархда сотади.
1 кг. гуруч нархи — 235 сўм.
Телефонлар: 144-65-32, 148-14-12.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

SAVDOGAR BANK САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ
«САВДОГАР»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ТИЗИМИГА ОИД ЖИҲОЗЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Қўшимча маълумотларни 2004 йил 10 апрелгача ҳар куни соат 9.00дан 18.00 гача қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700060, Тошкент ш., Саид Барака к., 78-уй, 1-қават, 6-хона.
Телефонлар: 54-24-12, 132-07-54.

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 539-сонли «Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори чиқиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси юридик ва жисмоний шахсларга ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш ҳуқуқига лицензия бериши учун «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ҳужжатларни тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.
Маълумот учун телефонлар: 114-37-74, 114-37-02.

## Истиқлол ниҳоллари

*Қош-кўзлари попукдек қизалоқ дадаси Мамарасул акадан теннис ракеткаси билан унинг тўпини олиб беришни сўраганида бор-йўғи иккинчи синф ўқувчиси эди. Ота аввалига буни болаларга хос ҳавасга йўйди. Мазлуманинг чаққон, қушдек енгил ҳаракатлари, ўзидан уч-тўрт ёш катталар билан бўлган баҳслардаги зарбаларини чапдастлик билан қайтариши, қарши хужумлари Мамарасул акани ҳаяжонга солибгина қолмади, ҳайратлантирди. У қатъий тўхтамга келди: қизим Ирода Тўлагановага ўхшаган теннис маликаси бўлади.*



# Мазлума кўзлаган чўққи

— Ҳеч ким онадан таптайёр спортчи бўлиб туғилмайди, — далда берди теннис мактабининг мураббийси. — Қизингизнинг машқларини ҳали кўрганим йўқ, уни танимайман ҳам. Олиб келинг. Кўрамиз.

Мураббий қизалоқнинг ракетка ушлашини, ўзини эркин тутишини, қатъиятини бир кўришда илғаб олди.

— Мазлума менда қолади!

Устознинг биргина сўзи ота-бола ҳаётини катта теннис билан бир умрга боғлади.

Орадан ойлар ўтди. Мазлуманинг ҳам маҳорати, тажрибаси ошиб борди. Шундан сўнггина устози уни ниҳоят саралаш мусобақаларида синаб кўра бошлади. Тўрт йил аввал Тошкентда ўтказилган «Кичкинтой» республика турнирида 32 иштирокчи ўртасида 15-ўринни эгаллади, мамлакатга таниқли мураббий Игор Николаевич Аҳмедшин назарига тушди. Катта теннисининг кичик маликасидаги ўзига хослик, иқтидор уни вилоятнинг номдор теннисчи қизлари Лимара Маллаева, Ира Маҳмудова, Катя Алейниковалар сафига олиб кирди. Орадан бир йил ўтгач, ана шу қизлар ҳам Мазлумага бас келолмай қолдилар.

2001 йили у теннис бўйича ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида бронза медалини қўлга киритди. Ўтган йили эса Мазлума жаҳон теннис федерацияси рейтинг мусобақаларида Қозоғистон чемпиони Евгения Чуевага қарши майдонга тушди. Евгения Мазлумадан бирмунча катта — 17 ёшда эди. Унинг порлоқ келажаги ҳақида Қозоғистон матбуотида анча шов-шув ҳам бўлганди. Ўйин бошланишида устунлик Евгения томонида бўлди. Таблодаги ҳисоб 4:2.

Спортчининг маҳорати, иқтидори, салоҳияти ана шундай дамларда билинади. Мазлума ўзини қўлга олдигина эмас, рақибининг нозик, заиф томонларидан фойдаланди. Ҳимоядан ҳужумга ўтди. Бирин-кетин геймларни ўз фойдасига тенглаштирди — 6:6. Тайбрек, яъни, сет ғолибини аниқлаш учун қўшиб берилган вақтда қозоғистонлик теннисчи яна олдинга ўтиб кетди. Бироқ Мазлума ҳисобни тенглаштиришдан ташқари, биринчи сетни ютиб олди — 9:7. Иккинчи сет ҳам муросасиз курашлар билан кечди. Уч ярим соат давом этган «жанг» андижонлик спортчига муваффақият келтирди.

Ғолиб жаҳон теннис федерацияси рейтингида ёшлар ўртасида кучли саккизликдан жой олиши керак эди. Бу омад умид осмонида порлай бошлаган Мазлумага кулиб боқди.

— Спортни ўзим ҳам яхши кўраман, — юзларида табассум ўйнайди Мамарасул аканинг. — Ёшлигимни ички ишлар хизматига бағишлаган эдим. Истеъфога чиққач, қизимнинг ёнига кирдим. Ҳар тонг Андижон шаҳридаги катта теннис мажмуасига йўл оламиз. Кичик ўғлим Равшанбек, Мазлума биргалашиб югурамиз. Сафимизга қўшниларимиз, уларнинг ўғил-қизлариям қўшилишади. Ундан кейин нафасимизни ростлаймиз-да, теннис ўйнашга киришамиз.

Ўтган йилнинг сўнгги ойлари Мазлума учун омадли келди. Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт мажмуида ўтказилган «Соғлом авлод учун» VII халқаро турнирда ҳамма рақибларини доғда қолдирган Мазлума олтин медаль, диплом ҳамда биллур соврин билан мукофотланди.

Илгари номдор спортчилари бармоқ билан санарли мамлакатда қисқа фурсат ичида жаҳон тан олган ўнлаб, юзлаб юлдузлар етишиб чиқди. Бокс, каратэ, теннис, миллий кураш, аёллар футболи сингари қатор спорт турлари бўйича ўзига хос мактаб яратилди. Маҳаллий қизларимизнинг спорт маликалари сафидан ўрин олаётгани ундан-да қувонарли. Мазлума Истиқлол кашф этган минглаб умид ниҳолларидан бири. Унинг орзуси Ирода Тўлагановадек спортчи бўлиб етишиш.

Осмонни юлдузлар безайди. Ўша юлдузларнинг ёрқин шуълалари борлиқни мунаввар айлайди. Мазлума юрт байроғини баланд кўтарадиган, Ватан шарафига шараф қўшадиган юлдуз бўлишига жуда-жуда ишонгим келади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Корейс тили билимдонлари

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети ҳузурида фаолият кўрсатиб келаётган корейс тилини ўрганиш маркази тўққиз йилдан буён ўз тингловчилари ўртасида танлов ўтказиб келади. Бу йилги танловда Марина Ан, Светлана Железнова билан бир қаторда қорақалпоқ қизи Гулистон Алеуова ҳам ғолиб бўлди.

Уларга Корейс ҳамкорлик агентлиги директори жаноб Сен И Еб ғолиблик сертификатини топширди.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Болаларга совға

Жиззах туманидаги "Имомкул ота боғи" жамоаси боғдорчилик мактаби сифатида эл оғзига тушган. Негаки, 2001 йилда ташкил этилган ушбу боғда дунёнинг турли бурчакларида ўсадиган мевали дарахт кўчатлари парваришланади. Нафақат жиззахлик, балки қўшни вилоят боғбонларининг ҳам бу ерда тажриба ўрганишлари анъанага айланиб қолган.

Бу йил дарахтлар илк бор гуллади. Жамоа аъзолари олинадиган мева ҳосилини болалар боғчалари, Меҳрибонлик уйларига беришмоқчи. Шунингдек, хўжаликда парваришланаётган 2 минг туп мевали кўчатлар ҳам тумандаги болалар муассасаларига совға қилинди.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Немис маданиятига қизиқиш

Пушкин номидаги Самарқанд Давлат кутубхонасида Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда дебат-клуб очилди.

— Клубнинг асосий мақсади келгусида икки давлат ўртасида ҳар томонлама маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, Германия тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида ўзбекистонлик ёшларга кўпроқ маълумот беришдан иборат, — дейди клуб раҳбари Маргарета Нахшунян.

**А. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**





ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland

ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE



БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Котибиятнинг масъул ходими В. Н. Содиқовага волидаи муҳтарамаси

**ГЎЗАЛ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг ҳайдовчиси

**Анвар АЗИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси жамоаси кадрлар бошқармаси бошлиғи, ҳайъат аъзоси Пахриддин Ориповга онаси

**ҚУТПИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси I тоифали муҳаррир Эҳсон Турдуқуловга падари бузруквори

**ТУРСИНМУРАТ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Агроилмдунё» илмий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхона бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Аббосхон Маруповга волидаи муҳтарамаси

**Анорхон ая СОДИҚОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, "ФИНАМ" (Россия) инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

**"ФОТОН" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 51% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

"ФОТОН" ОАЖ Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхона турли хил йўналишдаги электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. "ФОТОН" ОАЖ радиоэлектрон асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ҳамда МДҲ давлатлари соҳа ишлаб чиқарувчилари орасида етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифатининг юқорилигини таъминлаш мақсадида корхонада замонавий ускуна ҳамда назорат ва текшириш усулларидан фойдаланилади.

"ФОТОН" ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 51%ини ташкил этувчи 145 086 (Бир юз қирқ беш минг саксон олти) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 2 000 000 (икки миллион) АҚШ доллари. "ФОТОН" ОАЖнинг 51% акцияларига энг юқори нарх таклиф этган компания/сармоядор устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шакли ва акцияларни сотиб олиш шартномаси лойиҳасини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати — 2004 йилнинг 20 апрелида тугайди.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2004 йилнинг 10 майида тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

*Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:*

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават,

| | |
|---|---|
| бош директор | Улуғбек Каримович Ваҳобов эътиборига. |
| Телефон: | +998 (71) 139-22-51. |
| Факс: | +998 (71) 139-22-79. |
| Эл. почта: | ccpbuz@mail.tps.uz |

*Молиявий маслаҳатчи:*

"ФИНАМ" инвестицион компанияси, Россия Федерацияси, Москва шаҳри, 101000, Мясницкая кўчаси, 26-уй,

| | |
|---|---|
| маслаҳатчи | Александр Николаевич Фоминцев эътиборига. |
| Телефон: | +7 (095) 204-81-40. |
| Факс: | +7 (095) 204-81-07. |
| Эл. почта: | fomintsev@finam.ru<br>fominick@freemail.ru |

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the Investment company **"FINAM"** (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces the following public tender for privatization sale of:

**51% Share Package of the Joint Stock Company "FOTON"**

**JSC "FOTON"** is located in Tashkent city, Republic of Uzbekistan. The enterprise specializes in engineering and manufacturing of electrotechnological and radio-electronic products of different purposes. JSC "FOTON" is the largest manufacturer of the radio-electronic equipments in the Republic of Uzbekistan and one of the largest in the CIS. In order to produce the product of the highest quality the modern equipments and methods of test and control are applied.

145 086 (one hundred forty five thousand eighty six) shares of common stock of JSC "FOTON" constituting the aggregate of 51% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 2 000 000 (two million ) US Dollars. At that, the preference will be given to a company ready to offer the highest bid for the 51% of shares of the enterprise and take upon investment commitments.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement which will be sent to the applicant with the brief Company Profile. With the inquiries please contact on one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form and Draft Share Purchase Agreement can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of April 20, 2004.

The Bid Submission Deadline is May 10, 2004.

For all issues related to the tender, please contact on:

*The Work Body of the State Property Committee:*

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg., 17th Floor Uzbekistanskaya Str., 55 700003 Tashkent, Republic of Uzbekistan

| | |
|---|---|
| Attention: | Mr. Ulugbek Vahabov Director General |
| Telephone: | +998 (71) 139 22 51 |
| Fax: | +998 (71) 139 22 79 |
| Email: | ccpbuz@mail.tps.uz |

*Financial Adviser:*

Investment company "FINAM" 26, Myasnickaya str., Moscow, Russian Federation, 101000

| | |
|---|---|
| Attention: | Mr. Fomintsev Alexander Consultant |
| Telephone: | +7 (095) 204 8140 |
| Fax: | +7 (095) 204 8107 |
| Email: | fomintsev@finam.ru<br>fominick@freemail.ru |

*МУЖ шаклидаги «Ҳисоб-хизматлари» Ўқув-илмий маслаҳат марказининг юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон
УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО** (масъул котиб — «Народное слово»),
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**



БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 133-52-55;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 133-10-17;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15; 132-12-08
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 572, 29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.



МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.



Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 23.30*
2 3 4 5 6